# АЁЛЛАРГА ҒАМХЎРЛИК-КЕЛАЖАККА МУНОСАБАТ

Қумқўрғон туманига Оила ва Хотин- -қизлар Давлат Қўмитаси раиси Зулайхо Бахриддиновна Махкамова ва Сурхондарё вилояти Оила ва Хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидировалар ташриф буюрди.

Ташриф давомида Дўстлик маҳалласида бўлиб, Зўрлик дан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказини ташкил қилиш учун ажратилган бинони кўздан кечирди.

З.Маҳкамова хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида айтиб ўтди.

Шунингдек, хотин- -қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, Тадбиркорлик марказларини ташкил этиш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолиятлари бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқларни бериб ўтди.

З.Махкамова Дўстлик маҳалласи Хотин- -қизлар фаоли билан суҳбатлашиб, "Аёллар баланси"ни шакллантириш бўйича ишлар билан ҳам танишди.